

Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг Жиззах вилоят бўлинмаси
тамонидан ҳафта давомида амалга оширган ишлари ҳисоботи
11-14.03.2025 йил

Ҳафта давомида ДТСЖ Жиззах вилоят бўлинмаси ходимлари иш фаолиятларини тиббий суғуртани жорий этишга оид амалдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилган қарор ва фармонлар, Давлат тиббий суғуртаси жамғармасининг буйруқлари, кўрсатма хатлари, йиғилиш баёнлари ва раҳбарият топшириқлари ижросини таъминлаш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг буйруқлари ва кўрсатма хатлари ижросини назорат қилишга қаратди.

Тасдиқланган режа-графикка асосан 2025 йилнинг 11-14 март кунлари Жиззах вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказида, Республика ихтисослаштирилган кўз микрохирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах филиалида ва Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт марказининг Жиззах вилояти филиалида тиббий суғурта механизмларини жорий қилиш ҳолати, беморларга қафолатланган тиббий хизматлар доирасида кўрсатилаётган тиббий хизматлар ҳажми ва сифати, шифохонада даволанган беморларнинг 066-х/ш статистик карталари ва касаллик тарихларини расмийлаштириш ҳолати ўрганиш бўйича мониторинг ташрифлари ўтказилди. Мониторинг вақтида беморлар билан субатлар ташкил этиляпти ва сўровнома ўтказиляпти. Ҳафта давомида юқоридаги даволаш-профилактика муассасаларда даволанаётган 112-нафар беморларнинг 85-нафардан сўровномалар ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 28 июлдаги ПҚ-5199-сон қарорига мувофиқ, вилоят даволаш-профилактика муассасалари томонидан аҳолига юқори технологияли тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари давом этмокда, Жумладан, ҳафта давомида Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий амалий тиббиёт марказининг Жиззах филиалида 2-нафар беморларда юқори технологик операциялар ўтказилди. ДТСЖ Жиззах вилоят бўлинмаси ходимлари томонидан ҳафта давомида амалга оширилаётган ишларни кунлик маълумотларни ДТСЖ телеграмм каналида ёритиб боришмокда.

Тасдиқланган режа-график асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 сентябрдаги “Давлат тиббий суғуртаси механизмларини жорий этишга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-311 сонли қарори мазмун-моҳиятини тиббиёт ходимларига ва маҳалла фаолларига тушунтириш бўйича семинарлар ташкил этиляпти. 12.03.2025 йил куни Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли 4-сонли ОПда ана шундай семинар ўтказилди. Унда 18 нафар тиббиёт ходимлари ва маҳалла вакиллари

иштирок этди. Семинар юзасидан расмийлаштирилган баённома ва фотосуратлар ДТСЖ “Маҳалла тарғибот” сайти орқали ёритилмоқда.

ДТСЖ Жиззах вилоят бош мутахассиси, вилоят прокуратурасининг топшириғига биноан, Соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларида ташкил этилаётган сайёр қабулларида иштирок этимоқда. Жорий йилнинг 13 март куни Зарбдор туманида ташкил этилган навбатдаги сайёр қабулида, бир нафар фуқародан “Гонеоартроз” ташҳиси билан тушган мурожаат тиббий-танлов комиссияси (ТТК) томонидан кўрилиб, МКБ-10 бўйича ташҳиси қўйилди ва тегишли ҳужжатлари расмийлаштирилиб, КТМПдан miss2.ssv.uz дастури орқали вилоят кўптармоқли тиббиёт марказига электрон йўналланма асосида даволаниши режалаштирилди.

Шунингдек молия-иқтисод бўлими томонидан муассасаларни молиялаштиришда 2025 йил бизнес режа шакиллантирилди, 2025 йил учун ҳар ойда молиялаштирилиши лозим бўлган маблағлар маълумоти тайёрланди. Жамғарманинг марказий аппарати томонидан берилган топшириқларга асосан вилоятдаги шошилиш амбулатор хизмат кўрсатадиган муассасалар ва уларга мурожаат қилган беморлар сони ҳамда ажратилган маблағлар тўғрисида маълумотлар тўпланиб тақдим қилинди. Жамғарманинг Жиззах бўлинмаси томонидан муассасаларнинг 1,2- гуруҳ сўровномалари ва касса харажатлари тўғрисида ҳисобот тайёрланди. Жамғарма томонидан амалга оширилган таҳлиллар натижасида 3 та муассасада ортикча амалга оширилган харажатлар ўрганилди ва таҳлил қилинди. Ўрганиш давомида ортикча харажатни амалга оширган РШТЁИМ ЖФ, Дерматовенерология маркази ЖФ ва Қон қуйиш станцияси бош ҳисобчилари чақиртирилди ва тушунтириш хатлари олинди. Бугунги кунда муассасаларнинг коммунал харажатлари тўғрисида маълумотлар йиғилмоқда. Муассасаларнинг 15% маблағи молиялаштириш учун сертификат ва ҳужжатлар тайёрланди ҳамда УзАСБО2 дастурига киритилди ва молиялаштириш амалга оширилди.

Бундан ташқари, ҳафта давомида тиббий суғурта тизимида фаолият юритаётган тиббиёт ташкилотлар раҳбарлари, ўринбоасарлари, ҳисобчилари, иқтисодчилари, мутахассислари, статистларининг бўлинмага турли масалалар билан кўплаб ташрифлари кузатилади. Улар билан суҳбат ўтказилди, суҳбат давомида ДПМларда тиббий суғурта механизмларини жорий этишда барча саволларига жавоб берилиб амалий ёрдам ва тавсиялар берилди.

Жамғарма томонидан онлайн ташкил этиладиган аппарат йиғилишларида, семинарларда иштирок этилди.

**ДТСЖ Жиззах вилоят
бош мутахассиси**

И.Норбоев